

**ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТЛАРИНИНГ
УСТУВОРЛИГИ****Р.Н.Шаропов-ТИҚММИ магистранти****Аннотация**

Ҳозирги вақтда, Республикада алоҳида ўрин тутган аграр соҳани янада ислох қилиш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш (қайта тиклаш) ва оширишни таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини ҳамма соҳаларда ривожлантириш муҳим омил бўлиб, давлатамиз ер сиёсатининг асосий қисмини ташкил қилмоқда. Шу мақсадда ушбу мақолада ер ресурсларидан фойдаланишда иқтисодий жиҳатларнинг устуворлиги кўрсатиб ўтилган.

Жамиятда ернинг жуда кўплаб мақсадларга йўналтирилганлиги ердан фойдаланиш жиҳатларининг турли-туманлигига боғлиқ. Ердан фойдаланишнинг жиҳатлари дейилганида, ернинг ижтимоий аҳамиятга эга, ернинг деярли мустақил йўналиши ёхуд мазкур жараёнларни амалга ошириш учун шароитларни таъминлаш тушунилади. Шу сабабли, ердан фойдаланиш амалиётида бевосита фойдаланиш жиҳати (ижтимоий, иқтисодий, рекреацион, экологик) ва мазкур жараёнларни амалга ошириш жиҳатлари (ҳуқуқий, инфорацион, ташкилий, ҳудудий, технологик, ресурс, тадбиркорлик) фаркланади. Биринчи гуруҳдаги жиҳатлар (ердан бевосита фойдаланиш) учун ер ресурсларидан фойдаланишдан даромад олиш хос бўлиб, уни баҳолаш учун махсус услублар қўлланилади. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, ердан фойдаланишнинг ижтимоий ва рекреацион самарадорлик турлари ҳозирги вақтда фақат табиий кўрсаткичлар орқали баҳоланади ва мазкур кўрсаткичларни иқтисодий ҳамда экологик самарадорлик билан таққослаш умуман мумкин эмас. Шунинг учун ижтимоий ва рекреацион самарадорликнинг нарх (пул) баҳосини аниқлаш масаласи алоҳида тадқиқотларни тақозо этади.[1]

Ердан фойдаланиш жиҳатларининг иккинчи гуруҳи ердан фойдаланишдан даромад (самарадорлик) олиш ёки даромадни кўпайтириш учун шароит яратади. Қайд этиш керакки, иккинчи гуруҳ жиҳатларини қўллаш орқали ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ортиб боришини алоҳида кўрсатиш ва баҳолаш қийинчилик туғдиради, чунки иккинчи гуруҳ жиҳатлари мустақил намоён бўлмай, асосий (биринчи гуруҳ) жиҳатлари билан биргаликда амалга ошади. Ҳозирги вақтда мазкур масалалар ҳам етарли даражада ўрганилмаган ва ўзининг ечимини талаб этади.

Ердан фойдаланишнинг иккала гуруҳ жиҳатлари хусусиятларидан келиб хулоса қилиш мумкинки, биринчи гуруҳ асосий бўлиб, зеро унинг жиҳатлари мустақил амалга ошади ва аниқ мазмунга эга; иккинчи гуруҳ жиҳатлари билвосита, яъни биринчи гуруҳ жиҳатлари самарадорлиги орқали амалга ошади. Шуларни инобатга олган ҳолда, ердан фойдаланишнинг асосий (I) гуруҳ жиҳатларининг мазмунини кўриб чиқамиз.

Ердан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳати ер ишлаб чиқариш воситаси, қазилма бойликлар “омборхонаси”, мулкчилик объекти (бозор муносабатлари), солиққа тортиш объекти (фискал моҳият) эканлигидир. Жамият фаровонлигининг моддий асоси бўлгани ҳолда, маконда чекланган, миқдорий жиҳатдан қайта тикланмайди. Буларнинг барчаси ердан фойдаланишнинг иқтисодий моҳиятини белгилайди, ягона давлат ер фондидан самарали фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради.

Жамият фаолиятининг турли соҳаларида ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги турлича, чунки бир вазиятда “амалиёт бажариладиган макон” бўлса, бошқа бир вазиятда ишлаб чиқариш воситаси, учинчи

ҳолатда – ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси, тўртинчи вазиятда эса товар сифатида намоён бўлади.

Ердан фойдаланиш иқтисодий жиҳатларининг таркибий қисмларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ❖ ерлардан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш;
- ❖ қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган саноатда ердан фойдаланиш;
- ❖ ерга ижара ҳақи тўлаш;
- ❖ ердан фойдаланишнинг фискал томони;
- ❖ бозор (олди-сотди) соҳасида ердан фойдаланиш;
- ❖ ер майдонларини қайтариб олганда кўрилган зарар ва йўқотишлар учун товон тўлаш;
- ❖ ерларни қайта ишлаб чиқариш самарадорлиги;
- ❖ ерларни ҳимоя қилиш;

Рўйхатдаги дастлабки бешта ҳолат ердан фойдаланишда иқтисодий даромад билан, иккинчи гуруҳ (6-9) ҳолатлар ердан фойдаланишнинг кейинги шароитларини яратиш учун кетадиган сарф-ҳаражатларни ифодалайди.

Бунда ердан фойдаланиш ер, сув, меҳнат, моддий, молиявий каби ресурсларни сарфлаш ҳисобига моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ. Мазкур жиҳатнинг долзарб муаммолари қуйидагилар:

- ❖ замонавий усулларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ерлари сифати (тупроқ таҳлили, ерларни иқтисодий нархи)ни баҳолаш;
- ❖ ҳудудларни табиий-иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигига мослаштириб районлаштириш ва уни амалга ошириш;
- ❖ ер бирлигидан максимал фойда олиш мақсадида ер майдонлари ва экин майдонлари таркибини яхшилаш;
- ❖ ер майдонлари ҳудудларини самарали ташкил этиш;
- ❖ ердан фойдаланишнинг замонавий тизими ва қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- ❖ кенг миқёсда ер ресурсларини қайта ишлашни таъминловчи, яратилган маҳсулотни объектив тақсимлаш, уни тўғри айирбошлаш ва истеъмол қилиш;
- ❖ саноат ва бошқа объектларнинг лойиҳаларини амалга оширишда ер майдонларидан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- ❖ қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ерларнинг сифатини ва нархини аниқлаш;
- ❖ ер солиғи ва ер учун ижара ҳақи миқдорини асослаш;
- ❖ ерлардан рационал ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш;
- ❖ ер ресурсларини қайта ишлаб чиқариш ва ҳимоя қилиш.

Қишлоқ хўжалиги оборотидан ерларни олиб қўйиш натижасида кўрилган йўқотиш ва зарарларни қоплаш учун товон тўлаш механизми бир нечта унсурни: ерларни ирригацион тайёрлаш ва ўзлаштириш учун кетган сарф-ҳаражатлар, ҳудудни ободончилигини бузиш оқибатида кўрилган зарарлар, шунингдек, кўпйиллик ўсимликларнинг йўқотилиши, жорий йилда бой берилган фойда ва келгуси йилларда кўрилажак фойдани ўз ичига олади. Ерларни ўзлаштириш учун кетган сарф-ҳаражатлар учун товон миқдори ернинг нархи, шунингдек, бой берилган фойдага асосланган бўлиши керак.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ерларни қайтариб олишда кўрилган зарарларни қоплаш учун товон янги ер майдонларини бериш, шунингдек, ҳудуд ободончилигини бузиш оқибатидаги зарарлар тўланиши орқали амалга оширилади. Давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун хусусий мулкдор ерларининг қайтариб олинишида товон пули ўша ҳудуддаги ерга бўлган бозор нархи ҳисобида тўланади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш масаласи, худди бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш каби, илмий асосланган ёндошув асосида ҳал этилиши керак.

Мамлкатнинг 1 кишиси учун тўғри келадиган суғорилиб ҳайдаладиган ер майдони

1-жадвал

| Йиллар | 1 кишига тўғри келадиган ер миқдори (га) |
|--------|--|
| 1940 | 0,31 |
| 1960 | 0,26 |
| 1970 | 0,20 |
| 1980 | 0,19 |
| 1990 | 0,17 |
| 2000 | 0,17 |
| 2006 | 0,15 |
| 2015 | 0,13 |
| 2018 | 0,11 |

Суғорилиб ҳайдаладиган ернинг киши бошига тўғри келадиган нисбатининг камайиб кетишига қишлоқ хўжалиги оборотидаги ерларни бошқа тармоқларга берилиши, тупроқ эрозияси, ботқоқлашув, ифлосланиш, шунингдек, аҳоли нуфусининг ортиб бориши каби ҳолатлар сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат ерни муҳофаза қилиш масаласига жиддий муносабатда бўлишни тақозо этади. Тупроққа сув ва шамол эрозияси кучли зарар келтиради, мазкур эрозиялар оқибатида ернинг унумдор қатлами йўқ бўлади. Текис рельефга эга бўлмаган, ёгингарчилик мўл бўлган регионларда юза сув эрозияси хосдир. Суғориладиган деҳқончилик ҳудудларида эса ирригацион эрозия учрайди. Ўртача ва кучли шамоллар ҳаракатланадиган ҳудудларда шамол эрозияси вужудга келади. 1-3 см қалинликдаги унумдор тупроқ табиий шароитларда бунёдга келиши учун 200 йилдан 1000 йилгача вақт талаб этилса, эрозиялар туфайли тупроқ қатламининг бузилиши 20-30 йил ичида рўй бериши мумкин. Ҳар куни дунёда эрозия жараёнлари оқибатида қишлоқ хўжалиги оборотидан 3 га экин майдонлари йўқотилмоқда. Ўзбекистонда 1,5 млн га экин майдони сув ва шамол эрозиясига учрайди, бу ерларнинг ярмида мунтазам равишда эрозияга қарши кураш олиб борилиши талаб этилади. Эрозия жараёнлари учрайдиган ерларда ҳосилдорлик, одатда, 20-40-% кам бўлиб, механизмлар ишлатилиши қийинлашади. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг иқтисодий ишлаб чиқариш шароитларининг ёмонлашуви билан биргаликда, биогеоценоз бузилиши кузатилмоқда, унинг натижасида табиатда биологик мувозанат бузилмоқда.[2]

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиқиб ерлардан фойдаланишнинг энг муҳим, устувор жиҳати сифатида куйидаги иқтисодий томонларини кўрсата оламиз:

биринчидан, ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатини жараёнида жамият барқарор мавжуд бўлиши учун зарур бўлган иқтисодий маҳсулот ишлаб чиқарилади;

иккинчидан, ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳати жараёнида ишлаб чиқарилган иқтисодий маҳсулот ер ресурслари (тупроқ унумдорлиги)ни қайта ишлашнинг моддий асосини ташкил этади;

учинчидан, Ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатининг устуворлиги мамлакат ва регионларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда, жамият фаолият соҳалари, иқтисодиёт тармоқлари бўйича ерларни тақсимлашда, регионларни, айниқса, қишлоқ ерларининг таркибини такомиллаштиришда инobatга олиниши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1.Каримов И.А. Асосий вазифамиз –ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Т.:”Ўзбекистон”. 2010.43-б.
- 2.Тўраев А.Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби –Тошкент 2012 йил. 5 бет.

Илмий раҳбар:

А.А.Бобожонов